



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 19 (13.352)

Баҳоси эркин нарҳда

ЗАМОНАВИЙ, ҚУДРАТЛИ АРМИЯ – ТИНЧ-ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 26 январь куни Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Мудофаа вазирлиги раҳбарияти билан йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида белгиланган вазибалар ижросининг бориши муҳокама қилинди, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахбороти тингланди.

Давлатимиз раҳбари ҳавфсизлик соҳасига оид қонунчилик самарадорлигини юксалтириш, Қуролли Кучлар ташкилий тизимини яна-

да такомиллаштириш, унинг шахсий таркибини тайёрлаш, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланганлик даражасини янада оширишга қаратилган аниқ вазибаларни белгилаб берди.

Ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш, шу жумладан, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун замонавий уй-жойлар қуриш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юртдошларимизда Ватан тақдири учун масъулият туйғу-

лини янада юксалтириш каби муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Йиғилишда ҳукумат аъзоларига, вазирлик ва идоралар раҳбарларига Қуролли Кучларимиз қудратини ошириш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, миллий армиямиз ва халқимиз яқдиллигини бунданда мустақамлашга доир аниқ топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур билим юртида курсантлар учун яратилган шароитлар билан ҳам танишди.

ЎЗА



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бухорода 2016 йил якунлари ва 2017 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазибалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

• Навоий вилояти Конимех туманида “Булдиршин” мактабгача таълим муассасаси муқаммал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Юз ўринга мўлжалланган мазкур тарбия маскани қарийб 700 миллион сўм маблағ эвазига пухта таъмирланиб, замонавий жиҳозланди.

• Наманганда Ўзбекистон Республикаси солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилги асосий йўналишлари қабул қилинган муносабати билан солиқ қонунчилигига қиритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти тарғиботи бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

• Андижон давлат университетига ўтказилган давра суҳбати “Китоб – маънавият бешиги” деб номланди. Давра суҳбатида “Халқимизнинг китобхонлик даражаси: кеча ва бугун”, “Китоб – тафаккур хазинаси”, “Китоб келинлар сепининг кўрки бўлсин” каби мавзуларда маърузалар тингланди.

ЖАҲОНДА

• БМТ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти хабарига кўра, 2016 йилда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархи 1,5 фоизга қисқарди ва 2011 йилда бошланган пасайишни давом эттирди. Ушбу маълумот озиқ-овқат нархлари индекси таҳлилига кўра тайёрланган бўлиб, унда бешта асосий маҳсулот гуруҳи — дон маҳсулотлари, ўсимлик ёғлари, сўт маҳсулотлари, гўш ва шакар нархларининг ўртача индекси келтирилди. 2016 йил якунларига кўра индекснинг ўртача микдори 161,6 пунктни ташкил қилди, бу эса 2015 йил давражасидан 1,5 фоизга паст дегани.

• CNN телекомпаниясининг хабарига кўра, АҚШ Марказий разведка бошқармаси 13 миллион архив ҳужжатларини тақдим этди. Маълумотларга қараганда, махфийлик мақомидан чиқарилган ҳужжатлар маҳкаманинг 1947-1990 йиллардаги фаолиятига тегишли.

ЯПОНИЯ БОШ ВАЗИРИ СИНДЗО АБЭ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!
Мамлакатларимиз ҳамкорлиги тарихидаги муҳим сана – Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқи ва шаҳсан ўз номидан Сизни ва бутун Япония халқини самимий табриклайман.

Ўтган йилларда мамлакатларимиз икки ва кўп томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда салмоқли ютуқларга эришганини катта мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Ўзбекистон Япония билан самимий дўстлик алоқаларини, стратегик шериклик ва ҳамкорликни юксак қадрлайди.

Сизнинг 2015 йил октябр ойида мамлакатимизга расмий ташрифингиз Ўзбекистон – Япония муносабатлари тарихида муҳим воқеа бўлди, сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий, технологик, илмий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларимизни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

25 йиллик ҳамкорлигимиз давомида муносабатларимизнинг мустақам ҳуқуқий базаси яратилди. Бу борада 2002 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот муҳим ўрин тутди. Сизнинг Ўзбекистонга ташрифингиз давомида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баёнот ўзаро муносабатларимизни янги босқич-

га кўтарди, мамлакатларимиз ўзаро алоқаларни изчил ривожлантиришдан манфаатдор эканини намойён этди.

Томонлар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик кўлаб долзарб муаммоларга нисбатан ўхшаш қарашлар ва ёндашувларга эга.

Ўзбекистон ўтган йилларда ҳамкорлиқнинг самарали механизми яратилганидан мамнун. Парламентларо форум, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Япония ва Япония – Ўзбекистон қўмиталарининг қўшма йиғилишлари, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувлар, “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти, Академик форум ва бошқа кўлаб ҳамкорлик институтлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг изчил ва босқичмас босқич ривожланишига хизмат қилмоқда.

Бугун Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш ва мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида Япония бизнинг энг муҳим ва устувор шерикларимиздан биридир.

Япониялик ҳамкорларимиздан кўрсатилаётган кўмак учун миннатдоримиз, инвестициявий, молиявий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтириш, Ўзбекистон ва Япония ишбилармон доиралари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар ва самарали ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдоримиз.

Маданият ва илм-фан соҳаларидаги алоқалар биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, 2016 йил август ойида рафиқангиз

Акиэ Абэ хоним бошчилигида Япония ижтимоий-сиёсий ва маданият намоёндаларидан иборат делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи бу борадаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Таълим соҳасида ҳамкорлигимиз юксак даражага кўтарилганини алоҳида қайд этишни истардим. Япония томонидан бу борада кўрсатилаётган кўмакни юксак қадрлаймиз ҳамда Ўзбекистон – Япония ёшлар инновация марказининг тўлиқ фаолият кўрсатиши юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида биргаликдаги ҳаракатларимизга қўшимча суръат бахш этишига умид боғлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Япония билан ҳамкорликни изчил ривожлантириш ва кенгайтиришнинг тарафдори эканини яна бир бор тасдиқламоқчиман. Биз стратегик шериклик муносабатларимизни сифат жиҳатдан мустақамлаш ва янги амалий мазмун билан бойитишга интиламиз.

Мамлакатларимизнинг муштарак кадрятлари ва узок муддатли манфаатлари асосида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги аънъанавий дўстлик алоқалари бундан буён ҳам халқларимизнинг фаровонлиги йўлида ривожланиб боришига ишонаман.

Ушбу қўлай имкониятдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустақам соғлиқ, Япония халқига янада юксалтириш ва фаровонлик тилайман.

Самимий эҳтиром билан,
Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!
Сизга Япония ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан самимий табрикларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан эътиборан мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқалари изчил ривожланиб бормоқда.

2015 йил октябр ойида, Япония Бош вазири мамлакатингизга охирги ташрифидан 9 йил ўтиб, мен Бош вазир сифатида Ўзбекистонга ташриф буюрган эдим. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов билан музокараларимиз ғоят самарали бўлган, биз турли соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлиги ҳақида яқдил фикрга келган эдик.

Мамлакатингизга ташрифим давомида Бош вазир сифатида менга доимо ҳамроҳлик қилганингиз ва юксак даражадаги меҳмоннавозлик учун Сизга самимий миннатдорлик билдираман. Шунинг мамнуният билан қайд этмоқчиманки, ушбу ташриф Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатларга янада жадал суръат бағишлади, эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги кенг миқдосли ҳамкорликни фаоллаштиришга хизмат қилмоқда.

Мен нафақат сиёсат ва иқтисодиёт борасидаги муносабатларимизни ривожлантириш, балки турли соҳаларда, шу жумладан, маданият ва илм-фан соҳаларида ҳам Ўзбекистон билан дўстона алоқаларни мустақамлаш учун бундан буён ҳам бутун имкониятларимни ишга солишга тайёрман. Дипломатик муносабатларимиз ўрнатилганига 25 йил тўлгани муносабати билан Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлиги янада ривожланишига, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари бунданда кенгайтиришга ишонч билдираман.

Сиз, Жаноби Олийлари билан “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилишимиздан умидворман.

Сизга, Жаноби Олийлари, мустақам соғлиқ, фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига бахт-саodat ва фаровонлик тилашга рухсат этгайсиз.

Самимий эҳтиром билан,
Синдзо Абэ,
Япония Бош вазири

ОЗОД ВА ОБОД ВАТАНГА БАХШИДА УМР

Жонажон Ўзбекистонимизнинг истиқлолга юз тутиши, жамиятда ўзаро тотувлик, тинчлик ва ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини мустақамлаш, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда эришилган улкан ютуқлар Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг фидокорона меҳнатлари билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида мустақиллигимиз меъмор хотирасига бағишланган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Иқбол Мирзо, “Ешлик” журнали бош муҳаррири Нодир Жонузоқ ва бошқалар ота-боболаримиз асрий орузини рўёбга чиқаришда, Ватанимизни мустақил ва тараққиётга юз тутган давлат сифатида жаҳонга танитишда Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг хизматлари бекиёс эканини таъкидлади.

Биринчи Президентимизнинг узокни кўзловчи, оқилона сиёсати тўғрисида мамлакат ҳаётидаги мураккаб ва қалти бир дамда турли ихтилофларнинг олди олинди. Истиқлолимиз асосчиси ташаббуси билан хали собиқ тузумнинг таҳликали даврида она тилимизга давлат тили мақоми берилди. Миллий ўзлигини англаш, избратли анъана ва қадриятларимизни қайта тиклаш, уларни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, миллий адабиётимизни янада раванқ топтириш, унинг раванқи йўлида самарали меҳнат қилган сўз санъати даргалари

меросини ўрганиш, ижодини тарғиб этиш, хотирасини эъзозлаш йўлида кенг қамровли ва тизимли ишлар амалга оширилди.

Ўртбошимизнинг миллий адабиётимизга кўрсатган чексиз меҳр ва эътибори “Юксак маънавият – энгилмас куч” ҳамда “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” каби асарларида яққол намоён бўлади. Ушбу эътибор Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятида ҳам ўзининг эркин ифодасини топди. Уюшма фаолиятини янада такомиллаштириш, “Ижод” жамоат фондани тузиш, адаблар учун “Дурмон” ижод уйини тубдан реконструкция қилиш, ижодкорлар меҳнатини муносиб қадрлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Халқимиз ун азиз бўлган бу инсоннинг саъй-ҳаракатлари билан адабиётга меҳри банд ёшларни халқимизга танитиш, уларнинг илк изланишларини китоб ҳолида чоп этишга алоҳида эътибор қаратилди. Моҳир адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, мутаржимларни жалб этган ҳолда турли ижодий тўғрақлар, семинарлар, маърифий лойиҳалар ҳаётга кенг жорий этилди.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов Ватан, халқ тақдири, унинг порлоқ келажиги йўлида тинимсиз гамхўрлик кўрсатган, ўз ҳаётининг шундай олижаноб мақсадлар йўлида фидо этган, қатъият-ли, жасоратли инсон сифатида қалбимизда ҳамisha муҳрланиб қолади. Халқимизнинг севимли фарзанди бошлаб берган эзу ишлар бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ижобий ўзгаришларда, халқ манфаатлари, унинг уй-хавллари, орзуларига елкадош бўлишдек эзу интилишларда яққол намоён бўлмоқда.

Тадбирда Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Навоий кон-металлургия комбинати ҳамкорлигида тайёрланган “Озод ва обод Ватанга бахшида умр” номли китобнинг тақдими бўлиб ўтди. Ундан Биринчи Президентимизнинг порлоқ хотирасига бағишланган мақола, эссе, шеърлар, давлатимиз раҳбарининг халқимиз қалбида муҳрланган ибратли фикрлари, асарларининг библиографик хронологияси ўрин олган.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўн тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Унда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмоновнинг шаҳарнинг 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари бўйича ҳисоботи тингланди.

Ҳисоботида 2016 йилда янги ҳудудий маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 11,1 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 13,1 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 14,3 фоизга, чакана савдо айланмаси 13,3 фоизга, хизматлар 13,4 фоизга, пудрат-қурилиш ишлари 10,2 фоизга, асосий

капитал инвестициялар 41,8 фоизга ўсганлиги таъкидланди.

2016 йилда 7492 та янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, уларнинг сони 48673 тага етган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг янги ҳудудий маҳсулотдаги улуши 58,9 фоизни, саноатдаги улуши 71,4 фоизни, хизматдаги улуши 55,8 фоизни, аҳоли бандлигида улуши 57 фоизни ташкил этди.

Бандлик дастурига асосан ўтган йилда 95 907 та янги иш ўринлари яратилди, шундан 33 413 таси кичик бизнес субъектларида ташкил этилди.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг таваллуд топган куни олдида

Яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маъқамасининг кенгайтирилган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак" мавзусидаги маърузасида "Барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Ислон Абдуғаниевич Каримов бугун орамизда йўқ. Бироқ Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели"ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларга биз ўз ишимизда доимо суюнамиз", дея билдирган фикрларининг замирида чуқур маъно мужассам. Ҳақиқатан Биринчи Президентимизнинг мамлакатимиз тараққиёти ва равнақи йўлидаги буюк ишларини эътироф этамиз.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг давлатимиз мустақиллигининг йиғирма беш йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қароридан биз бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни кўлга киритиб, айнан нима-ларга эришганимиз кўрсатиб ўтилган эди.

Жумладан, "аввало, миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустақил тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислохотларга асосланган, бутун дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб" бераётгани алоҳида кайд этилган.

Ҳўш, "ўзбек модели" нима?
Дунё "тараққиётнинг ўзбек модели" дея тан олаётган нарса бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузумга ўтишнинг истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов белгилаб берган беш тамойилни аниқлатади.

Модомики, бугун истиқлолимизнинг чорак аср мобайнида босиб ўтган шонли йўлни теран мушоахада қилаётган, унинг туб моҳиятини англаб етишга интилаётган эканмиз, бу беш тамойилнинг ислохотлар жараёнидаги ўрнини аниқлаш учун уларни алоҳида-алоҳида кўриб ўтишга катта зарурат борлиги аёнлашади.

Беш тамойил давлатимиз раҳбарининг 1993 йил августда ёзиб туғалган ва ўша йили чоп этилган "Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" китобининг "Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимини белгилаб берувчи шарт-шароитлар" деб номланган иккинчи бобда махсус равишда асослаб берилган. "Бешта асосий қоида Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислох қилиш дастурининг ўзгачидир", – дейилади бу бобда.

Биринчи тамойил – иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, ишлаб чиқаришни мафкурадан холи қилиш. Бу тамойил иқтисодиётнинг эркин равнақига кенг йўл очади. "...Иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортда қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас... Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш зарур", – деб ёзган эди Юртбошимиз.

Аммо, айримлар баъзан маънавий-маърифий тадбирларда ёки таълим тизимидаги дарс жараёнида, тушуниб-тушунмай, бу тамойилни: "Авал – иқтисод, кейин – сиёсат", – тарзида мутлақо нотўғри шарҳлаганига ҳам гувоҳ бўламиз.

Биринчидан, бундай кескин тарзда иқтисодиётни сиёсатга қарама-қарши қўйишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Ахир, бозор иқтисодиётига тўла ўтиб олинганга қадар ҳамма сиёсатни иккинчи даражали деб ҳисоблаб, фақат иқтисод билан шуғулланиши керакми? Эҳуд иқтисод билан ҳамма сиёсат масалаларини бир неча йил кейинга суриш мумкинми?

Йўқ! Асло бундай қилиб бўлмайди! Демак, биринчи тамойилни фақат "аввал – иқтисод, кейин – сиёсат" тарзида тушуниш ва тушунтириш – тўғри бўлмайди. Бу тамойилни, иқтисод иқтисод қонунлари, сиёсат сиёсат қоидалари билан иш юритсин, сиёсат иқтисодиётга ўринсиз равишда аралашмасин, деб тушуниш керак.

Мустақилликка эришганимиздан кейин зиёлилар ўртасида маънавийнинг иқтисодга зид қўйиш, маънавиятга эътибор кучайтиришнинг, иқтисод ўз-ўзидан ўнгирилиб кетявгани, деганга ўхшаш қараш ҳам шаклланди деб бўлади. Бунга қарама-қарши равишда айримларда, аввал иқтисодни ривожлантириш керак, маънавият кейин бўлаверади, дегандек фикрлар ҳам айтила бошлади.

Бу икки қараш ҳам мукамал эмас эди. Бу масалада энг оқилона фикрни Президент Ислон Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобидан топамиз: "...Инсонга хос орзу-интилишларини рўйбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган моддий ва маънавий олами бамисоли парвоз

қилаётган қушнинг икки қанотига қийс-ласак, уйлайманки, урилли бўлади".

Гап биринчи тамойил ҳақида борар экан, шу талқинни иқтисодиёт билан сиёсат қийсда ҳам бемалол қўлашимиз мумкин: тараққиёт учун сиёсат ҳам керак, иқтисод ҳам. Шунинг учун ҳам биринчи тамойилни батафсилроқ шарҳлаш ўринли.

Бу тамойил жамиятни, аввало, айнан режали ишлаб чиқаришдан кутулишга ундайди. Уни ҳаётга жорий этиш учун қуйидаги уч қоидага амал қилиш лозим:

Сиёсат – сиёсат, иқтисод – иқтисод қонуниятлари билан иш кўрсин. Яъни ҳар қандай товар ўз таннарихни қоплаб, фойда қўриладиган нархда сотилса, марҳамат, ишлаб чиқарилсин. Акс ҳолда, уни ишлаб чиқаришдан нима фойда? Шўро сиёсати шундай зарар билан ишлаётган корхоналарни ҳам айнан сиёсат мақсади учун ушлаб турган. Охири бу иқтисодий таназзулга олиб борди. Бошқача айтганда, қандайдир мафкуравий нуктаи назарлар, масалан, *и*, мамлакат фалон нарсани ишлаб чиқармапти экан-

дан иккинчисига қонуний асосда ўтиш лозим. Акс ҳолда, мамлакатда бошбошдоқлик юз беради, адолатсизлик келиб чиқади, бирон-бир эзгу мақсадни охиригача амалга ошириш мумкин бўлмай қолади. Қонун устуворлиги дегани – Конституция ва қонунларга амал қилиш ҳамма учун қатъий қоида қилиб олиниши керак дегани.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида қонунчилиكنи тақомиллаштириш борасида амалга оширилган оламшумул ишлар, жумладан, икки палатали парламента ўтганимиз замирида айнан қонун устуворлигига эришиш ҳарақати ётгани – барчага аён.

Тўртинчи тамойил – аҳолининг мураккаб демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат юритиш.

Бир нарсани унутмаслик керакки, Президент асарларида, нутқ ва маърузаларида кўп тақрорланганидек, биз айнан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтганмиз.

"Ижтимоий ҳимоя" – сиёсий, яъни давлатшуносликка оид атама. Маъно жи-

ли-турли шакллари пайдо бўлди ва улар тобора тақомиллашиб борапти.

Жамият – бир бутун тана. Унинг айрим шохлари гуллаб-яшнаб кетса-ю, бошқалари қуруқ-қақшаб қолса, адолатдан бўладими? Йўқ! Бизнинг бу борадаги йўлимиз – аниқ; жамият ҳаддан ташқари бойларга ва ҳаддан ташқари камбағалларга ажралиб кетишига йўл қўймаймиз.

Демак, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя сиёсати ана шундай илмий, ҳуқуқий, маънавий асосга суюнади. Маърифатли жамият барпо этиш, миллий ва умуминсоний кадриятларни йўғунлаштириш, адолатли ҳуқуқий давлат қуриш мақсади шунга талаб этади. Чунки кучли ижтимоий сиёсат иқтисодий ўзгартиришларнинг ишончли кафолати ҳисобланади.

Бешинчи тамойил – бозор иқтисодиётига объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги "инқилобий сакрашлар" сиз, пухта ўйлаб, тадрижий (эволюцион) йўл билан, яъни босқичма-босқич ўтиш.

Ўтиш жараёни сунъий равишда тезлаштириш, шубҳасиз, шовша-шовшарлик, пала-партишликка, ишни чалакам-чатти амалга оширишга олиб келган бўлур эди.

Ана шу "Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" асаридан мазкур беш тамойилдан ҳар бири ни шарҳлаш учун биттадан махсус боб ажратилган. Бинобарин, "Иқтисодиётни мафкурадан холи этиш – демократик ва бозор ўзгартиришларининг асоси" деб номланган учинчи бобда биринчи; "Давлат – иқтисодий ўзгартиришларнинг ташаббускори ва бош ислохотчиси" деб номланган тўртинчи бобда иккинчи; "Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш – иқтисодий ислохотлар йўлининг негизи" деб номланган бешинчи бобда бешинчи; "Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш" деб номланган олтинчи бобда учинчи; "Кучли ижтимоий сиёсат – иқтисодий ўзгартиришларнинг ишончли кафолати" деб номланган еттинчи бобда тўртинчи тамойил ҳар тарафлама ва батафсил таҳлил этиб берилган.

Бу беш тамойил Биринчи Президент таълимотида ўз-ўзидан ёки бирданга шаклланиб қолмаган. Бу – Ислон Каримовнинг давлатчилик борасидаги тадрижий тафаккури маҳсули янглиғ юзага келган. Бунинг исботи шуки, 1992 йили ёзилган "Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёт йўли" асаридан илгари сурилган айрим қатъий позицияларнинг ана шу тамойиллар билан бевосита алоқадорлиги бор.

Куйидаги фикрлар айнан биринчи тамойилнинг пишк-пухта шаклланишига замин ҳозирлаган эди:

"Ички иқтисодий стратегия ҳар қандай сиёсий мафкура таъсиридан бутунлай холи бўлиши керак"; "Иқтисодиёт фақат унга хос бўлган ички қонуниятлар асосида ривожланиши керак"; "Давлат, унинг ҳокимият бошқарув тузилмалари тўғрисида тўғри ҳўжалик фаолиятига аралашадиган четда бўлиши керак"; "Агар сиёсатнинг асоси – давлатнинг қиллоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини тўғридан-тўғри бошқариб боришидан воз кечишдир".

Мана бу фикрлар эса айнан бешинчи тамойил гоёси Ислон Каримов таълимотида илгариёқ пухта қатъийлашганини кўрсатади:

"Реал таркиб топган иқтисодий вазият, кўпчилик оилаларнинг турмуш даражаси пастиги тўғрисида республикада бозорга ўтишнинг "шок терапияси" йўли намоян бўлди. У амалда "терапиясиз шок" бўлиб қайтади, яъни таркиб топган барча тузилмалар, меъёрлар, аллоқлар тезда барбод бўлади, бошқача айтганда, батомом емирилади"; "Бозор иқтисодиёти сари буюк сакрашлар, инқилобий қайта ўзгаришлар йўли билан эмас, балки собиққадамлик ва изчиллик билан – босқичма-босқич ҳарақат қилиш керак".

Беш тамойилнинг бир-бир санаганимиз ҳамда уларни яна бир сидра шарҳлаганимиз бежиз эмас. Айнан "тараққиётнинг ўзбек модели" жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида ўзини тамоман оқлади. Чунки Ўзбекистонимизда давлат ва халқ уларни ана шу тамойиллар асосида ислохотларни изчил равишда амалга ошириб келяпти. Айнан ана шу оқилона ишлаб чиқилган ва қатъий амал қилиб келинаётган беш тамойил 2008 йили бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан Ўзбекистонимизнинг кам зиён кўрган жуда оз сонли мамлакатлардан бири сифатида буй кўрсатишини таъминлади. Чунки ана шу мураккаб молиявий-иқтисодий инқироз шариотида ҳам бизда янги ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар йили 8 фоиздан кам бўлмаган даражада кўпайиб борапти.

"Ўзбек модели" Ватанимизнинг ўз истиқлол йўлини ўзи белгилаб олганидан далоят беради. Бугунги кунда ҳам биз бу йўлдан оғишмай илгариланамиз. Шу йўл Ўзбекистонимизнинг жаҳонда алоҳида, ўзига хос муомиласига ва мавқе-мақом топиб бораётганига замин бўлиб хизмат қилаётган.

Олим МАХМУДОВ

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР САМАРАДОРЛИГИ ОШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида давлат органларида юридик хизмат фаолиятини янада тақомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 январдаги "Юридик хизмат фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бунинг амалий ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Юристар малакасини ошириш марказида "Давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизмат фаолиятини янада тақомиллаштириш ва ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзусида ташкил этилган конференцияда шулар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари С.Самадов, адлия вазيري М.Икромов ва бошқалар мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунчиликни таъминлаш йўлидаги ислохотлар замон талабидан келиб чиқиб чуқурлаштириладигани таъкидлади. Президентимизнинг қарори билан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунчиликни янада мустаҳкамлаш мақсадида юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлиги кучайтирилди. Эндиликда давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан, уларнинг ҳудудий тузилмаларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъқамаси томонидан белгиладиган минимал меъёр ва мезонларга асосан мажбурий тартибда юридик хизматлар ташкил этилади.

Адлия вазирлиги юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш, ходимларни аттестациядан ўтказиш ва малакасини ошириш бўйича махсус ваколатли орган этиб белгиланди. Шу мақсадда вазирлик тизимини Адлия вазирлигининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида тегишли шўбалар ташкил этилди.

Қарор билан "Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида"ги ҳамда "Давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизмат ходимларининг мартаба даражалари тўғрисида"ги низомлар тасдиқланди.

Юридик хизмат ходимлари ўзи фаолият юритаётган тизимда ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб боради. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари юзасидан ҳулосалар беради.

Қарорда юридик хизмат ходимларини рағбатлантиришга эътибор қаратилган. Эндиликда давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларига адлия органлари ходимларига белгиланган мартаба даражалари берилди. Мартаба даражаларига эга бўлган юридик хизмат ходимларининг лавозим машоарига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъқамаси томонидан белгиладиган миқдорларда қўшимча ҳақ тўланади.

Ходим бошқа давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига ишга ўтганда мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмат устамаларини тўлаш учун меҳнат стажи ҳисобга олинди. Давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматларининг уч йиллик стажга эга бўлган ходимлари адвокат макомига эга бўлишга талабдор шахс сифатида маънавий имтиҳонда тегишли стажировка ўтамасдан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президент девони, Вазирлар Маъқамаси, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар маъсул ходимлари, давлат бошқаруви ва ҳокимликлар мутасаддилари ва уларнинг юридик хизмати раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирлар қарор ижросини изчил таъминлаш, юридик хизматни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш борасида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАТУРЛАР

"101" ЭҲТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Ёнғинлар халқ ҳўжалигига катта моддий зарар келтириши барчага маълум. Унинг катта-кичиги бўлмади. Ёнғин жуда катта миқдордаги бойликларни ёндириб, кулга айлантиради. Бундан ташқари, ёнғиндан кўриладиган зарарнинг энг ёмони, унда кўплаб кишилар жароҳатланади ва ҳатто ҳаётдан кўз юмиши ҳам мумкин.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича ўрнатиладиган ташкил этилмоқда. Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Амалга ошириладиган тадбирлардан қўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни қучайтириш, уларнинг олдини олишда аҳолини жалб қилишдан иборатдир.

Шу ўринда эслатиб ўтишни жоиз деб топдик, азиз ҳамшахрлар, оловдан фойдаланганда хавфсизлик қоидаларига амал қилишни унутманг!

Ғайрат РАСУЛОВ, Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилади!

2017 йил 17 февраль кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 21-уйда бўлиб ўтказиладиган савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: ЖИБ Қийраи туман судининг 2015 йил 9 июндаги ажрими асосида берилган ижро варақасига асосан Тошкент ш. Яшнобод т. СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар тақдоран аукцион савдосига қўйилмоқда: 2009 й/и/ч, д/р/б 01 У 584 ВА, оқ рангли, носоз ҳолатдаги "Матиз-в/с" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 22 230 000 сўм.

Автомобилларнинг савдосига сақланаётган жой Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳўжалик ишлари бошқармаси.

ЖИБ Мирзо Улугбек туман судининг 19.06.2013 йилги №1-399/13-сонли ижро варақасига асосан Тошкент ш. Яшнобод т. СИБ томонидан хатланган 1993 й/и/ч, д/р/б 01 У 379 НА, кулранг, носоз ҳолатдаги "Дэу Рейсер" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 12 813 813 сўм.

Автомобилларнинг савдосига сақланаётган жой Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани "Бутан" МЧЖ га қарашли жарима майдончаси.

ЖИБ Яшнобод туман судининг 10.10.2014 йилги №1-608/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган 2008 й/и/ч, д/р/б 10 У 589 FA, белякасабланка рангли, носоз ҳолатдаги "Матиз бест" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 18 626 307 сўм, 30 тийин.

Автомобилларнинг савдосига сақланаётган жой: "Шарқ-ли мелбса" МЧЖ

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижроқилири бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни хар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризалар савдолардан 1 (бир) дан кўра олинган соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабдорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳўлда хар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилчиларини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 2020800004959643001 АТТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz. Маълумот учун телефон: +99898 308-19-57

Гувоҳнома 5477

- Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 6-давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби 2017/2018 ўқув йилида қуйидаги фан ўқитувчиларини танлов асосида ишга қабул қилади: 1.Рус тили ва адабиёти (рус синфларида) — 1 ставка; 2.Инглиз тили — 1 ставка; 3.Информатика — 1 ставка; 4.Физика — 0,5 ставка (10 соат); 5.Биология — 0,5 ставка (10 соат). Мурожаат учун телефон: 258-24-64.

Ўзгидромет Хабар қилади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 28 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир булани ёғида. Гарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4, кундузи — 6-8 даража илқ бўлади.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'Kursatuvlar dasturi', 'Assalom, Uzbekiston!', 'Jahida guli', etc.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'Poystak-sport', 'Soxildagi muxabbat', 'Kinotaxdim', etc.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'Milliy kino', 'Abadiyat qarhi', 'Buni haft deyidilar', etc.

ДУШАНБА, 30

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'Kursatuvlar dasturi', 'Assalom, Uzbekiston!', 'Jahida guli', etc.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'Poystak-sport', 'Soxildagi muxabbat', 'Kinotaxdim', etc.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'Kursatuvlar dasturi', 'Assalom, Uzbekiston!', 'Jahida guli', etc.

СЕШАНБА, 31

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'Kursatuvlar dasturi', 'Assalom, Uzbekiston!', 'Jahida guli', etc.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'Poystak-sport', 'Soxildagi muxabbat', 'Kinotaxdim', etc.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'Kursatuvlar dasturi', 'Assalom, Uzbekiston!', 'Jahida guli', etc.

ЧОРШАНБА, 1

Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Ёшлонлар, 233-28-95, факс: (371) 233-29-55. 2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган. Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12125 нусخада босилди. Қўғоз бичими А-2. Нашр учун масъул О. Ҳазратов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонаси. Корхона манзили: Буёқ Турон кўчаси, 41-уй. Бюролма Г- 135. Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Топшириш вақти: 13.00. Босишга топширилди: 14.10.